

**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY TA'LIM, FAN VA
INNOVATSIYALAR VAZIRLIGI
TOSHKENT TO'QIMACHILIK VA YENGIL SANOAT INSTITUTI**



**“Paxta tozalash, to'qimachilik, yengil sanoat, matbaa ishlab
chiqarish sohasida fan va ta'lif integratsiyalashuvini
rivojlantirish tendentsiyalari” mavzusidagi respublika
miqyosidagi**

ilmiy – amaliy anjuman TO'PLAMI 1-qism

Toshkent-2023

КОСТЮМБОП ТҮҚИМАЛАРНИ ҲАВО ЎТКАЗУВЧАНЛИГИ ТАДҚИҚИ

докторант З.Р.Юсупова, талаба М.С. Рахимбердиев, PhD. Р.М. Янгибоев,
Б.Э.Қаршиев

Тошкент түқимачилик ва енгил саноат институти,
Термиз мұхандислик-технология институти

Ушбу мақола турлы ҳил толавий маркибли түқималарнинг маркибидә пахта ва полиэстер толали аралаш ипларидан костюмбоп түқималарининг ҳаво утказувчанлиги хусусиятларини ўрганиши натижаларини таҳлил қилишига бағишиланган.

Статья посвящена анализу результатов исследования свойств воздухопроницаемости костюмных тканей из смесовой пряжи из хлопкового и полиэфирного волокна различных производителей.

The article is devoted to the analysis of the results of the study of the properties of air permeability of suit fabrics made of mixed yarns from cotton and polyester fibers from different manufacturers.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда түқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини ривожлантириш, соҳа корхоналарининг инвестиция ва экспорт фаолиятини қўллаб-қувватлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилиши натижасида республикада ишлаб чиқарилаётган пахта толаси тўлиқ ва ип калаванинг 45 фоизи қайта ишланмоқда, шунингдек, соҳанинг йиллик экспорт салоҳияти 3,2 миллиард доллардан ошди.

Шу билан бирга, жаҳон бозорларида рақобатнинг кучайиши, хорижий ишлаб чиқарувчилар томонидан аралаш турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳисобига харажатларнинг камайтирилиши ушбу соҳани ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирларни тақозо этмоқда. Кейинги беш йилда пахта толасини чуқур қайта ишлаш орқали юқори қўшилған қийматли тайёр маҳсулотлар, түқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини 2,1 бараварга ва экспорт кўрсаткичини 2,6 бараварга оширишни таъминлаш ҳамда гилам ва уй түқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни янги босқичга олиб чиқиш мақсад этиб қўйилган [1].

Янги турдаги ассортиментни яратишда тўқима тузилиши кўрсаткичларини танлаш катта аҳамиятга эга бўлиб, улар тўқима ҳоссаларини белгилайди. Тўқимани хусусиятлари қўйидаги омилларга боғлиқ-хомашё таркибида ва ипларнинг турига, ипнинг чизиқли зичлигига, танда ва арқоқ ипларининг чизиқли зичлигини нисбат коеффициентига, ипнинг кўндаланг кесимининг ўлчамларига тўқима ҳосил бўлгунга қадар, ҳамда, тўқимадаги танда ва арқоқ ипларининг ўрилишига турига, ипларнинг кесишиш сонига, силжишига, тўқимадаги қатламлар сонига, тўқимадаги танда ва арқоқ ипларининг қисқаришига, тўқимани ишлаб чиқаришда технологик омилларга (танда ва арқоқ ипларининг таранглиги) ва тўқимани пардозлашда технологик омилларга ва хоказо [2].

Илмий ишда костюмбоп тўқимани тузилишига таъсир этувчи омилларни аниқлаш мақсадида, тўқима ўрилиши, хом ашёнинг чизиқли зичлиги ва толавий таркиби омиллари белгилаб олинди. Хом ашёнинг толавий таркибининг тўқима тузилишига таъсирини ўрганиш учун тўқиманинг юқорида қайд э’тилган барча тахтлаш омиллари ўзгармас бўлиб, пахта ва полестер толавий таркибли хомашё танланди.

Амалиётда 4 та намуна олиниб уларнинг ҳаво аниқланди.

Ҳаво ўтказувчанлиги-намунанинг ўзидан ҳаво ўтказиш қобиляти бўлиб, у ҳаво ўтказувчанлик коеффициенти билан баҳоланади. Тўқиманинг ҳаво ўтказувчанлиги тўқиманинг таркибидаги толалар ва ипларнинг хусусиятлари ва пардозлаш жараёнларига қараб ўзгаради. Масалан, ингичка иплардан тўқилган ва паст зичликда тўқилган тўқималарнинг ҳаво ўтказувчанлиги зич тўқилган тўқималарга нисбатан юқори бўлади. Тўқиманинг ҳаво ўткаувчанлиги тананинг комфортини ва намлиқдан ҳимоя қилишда муҳим аҳамиятга эга.

Олинган намуналарнинг ҳаво ўтказувчанлиги институтнинг “Centexuz” синов лабораториясида АР-360 СМ асбобида аниқланди. Белгиланган ҳаво босимида (5 мм. сув.уст) тукима юзаси (1m^2) оркали вакт бирлиги ичida (с) утган ҳаво микдори ($\text{cm}^3/\text{cm}^2/\text{s}$) куйидаги формула оркали аниқланади:


$$B_{\Delta p} = \left(\frac{\dot{V}}{Ft} \right)$$

Синовларни ўтказганда намунанинг икки томонидаги ҳаво босимининг фарқи $\Delta P=5$ мм сув устуни ёки 49 Па га teng бўлади. Бундай фарқ кийим остидаги ҳаво босими билан атрофдаги ҳаво босимининг фарқига мос келади. Ҳаво ўтказувчанлик матоларнинг тола таркиби, пардозлаш турига ва зичлигига боғлиқ бўлади.

Тўқималарнинг ҳаво ўтказувчанлигини ювишлар сони ва мунтазам кийиш муддати бўйича тадқиқот натижаларига кўра, тўқиманинг зичлиги энг кам қилиб ишлаб чиқарилган, Бухоро ва Хитой тўқимасида ҳаво ўтказувчанлиги энг юқорилиги аниқланди. Бухоро ва Хитой тўқимаси ювиш ва мунтазам кийишда кўпроқ шишади, чунки у 100% пахтадан ишлаб чиқарилган, шунинг учун бошланғич ювиш ва мунтазам кийиш даврида тўқиманинг ҳаво ўтказувчанлиги бироз пасаяди, кейин эса ювиш пайтида элементар толаларнинг узилиши натижада тўқималарнинг ҳаво ўтказувчанлиги ортади. Шунга ўхшаш таркибида кўп пахта бўлган тўқималарида ҳаво ўтказувчанлиги ўзгарди. Хитой юпқа тўқимаси энг кам шишган, 67% полиэстер, 33 % пахта шунинг учун бу тўқимада ҳаво ўтказувчанлиги ювиш ва мунтазам кийишдан сўнг ортади. Бухоро-2 ва Бухоро-3 тўқималарининг ҳаво ўтказувчанлиги ҳам пастроқ, чунки таркибида полиэфир толаларининг микдори юқорилиги сабабли тўқима шишмайди.

Юқоридаги намуна тўқималарининг ҳаво ўтказувчанлиги хусусияти «Centexuz» сертификация лабораториясининг “AP-360SM” ҳаво ўтказувчанлик текшириш приборида аниқланди.

1-расмда тадқиқ этилаётган тўқималарнинг ҳаво ўтказувчанлиги бўйича гистограммалар келтирилган.



1-расм. Тўқималарнинг ҳаво ўтказувчанлик диаграммаси

Тадқиқот натижаларидан шуни қўриш мумкинки, 1-чи ва 4-чи тўқима намуналарининг ҳаво ўтказувчанлик даражаси бошқа намунадаги тўқималардан юкорилиги аниқланди.

Янги таркибли аралаш тўқималарнинг айрим хоссаларини мавжуд тўқималар билан солиштириш мақсадида синов ишлари бажарилди. Тавсия этилаётган янги таркибли тўқималар хар хил ўрилишларда енгил сирт зичлигидаги ГОСТ 9412-93 талаблари билан солиштирилди [3-4].

Барча вариантдаги тўқималарнинг юза зичлиги бўйича кўрсатгичлар «Centexuz» сертификация лабораториясида аниқланди 1-жадвалда келтирилди.

1-жадвал

Тўқималарнинг юза зичлиги

| № | Вариантлар | Тўқима намуналарини юза зичлиги, г/м ² |
|---|------------|---------------------------------------------------|
| 1 | 1-вариант | 200,2 |
| 2 | 2- вариант | 266,8 |
| 3 | 3- вариант | 212,7 |
| 4 | 4- вариант | 196,1 |

Юқоридаги келтирилган жадвал тахлили шуни кўрсатади ки 4-вариант тўқимасининг юза зичлиги паст, энг юқори юза зичлик эса 2-вариант тўқимага тегишили.

Хулоса қилиб, костюмбоп тўқима намуналари аралаш иплардан ишлаб чиқарилиб, ҳаво ўтказувчанлиги ва юза зичлиги каби кўрсаткичлари бўйича талаб этилган миқдорларга жавоб бериб, уни мокисиз тўқув дастгохларида технологик ишлаб чиқариш мумкинлиги аниқланди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1.O’zbekiston Respublikasi Prezidentining 2023-yil 10-yanvardagi PF-2sonli farmoni.

2. B H Baymuratov, R. Akbarov, R.Yangiboev, Sh. Mengnarov, J. Khasanov Development and research of flexible fabric electric heaters.AIP Conference

Proceedings 2430, 030006 (2022); <https://doi.org/10.1063/5.0077855> Published Online: 24 January 2022.

3. Баймуратов Б.Х., Vusupova Z, Orazbaeva R.l. Some investigations of the properties of costume fabric. Journal of Science and Education in Karakalpakstan. 2021 №3 стр.108-111.

4. Akbarov R., .., Баймуратов Б. Changes of electrophysical properties of antistatic woven fabric. Journal of Science and Education in Karakalpakstan. 2021 №3 стр.98-103.

5. Юсупова З.Р., Хакимова М.А., Боймуратов Б.Х. Исследование свойств костюмных тканей из смешанных нитей. Фан ва ишлаб чиқариш интеграциялашуви шароитида тўқимачилик ва енгил саноатдаги муаммолар ва уларни бартараф этиш йўллари: ҳалқаро илмий-амалий конференцияси мақолалари тўплами. 1-Том. – Наманган: НамМТИ, 2022. -269-272 бет .

6. Шамсиев И. Р. У. и др. ПОЛУЧЕНИЕ ХЛОПКОВОГО ВОЛОКНА ВЫСОКОГО КЛАССА ЗА СЧЕТ МОДЕРНИЗАЦИИ СУШИЛЬНОГО БАРАБАНА МАРКИ СБО //Universum: технические науки. – 2021. – №. 7-2 (88). – С. 20-24.

7. Қаршиев БЭ П. А. П., Сайдова М. Ҳ. Паҳтани қатламда қуритишнинг аэродинамик режимларини аниқлаш тадқиқоти //Фан ва технологиялар тараққиёти. Илмий-техникавий ва амалий журнал. Бухоро. ISSN. – С. 2181-8193.

8. Тошбеков О., Эрматов Ш. Қаршиев Б. Республикаизда етиштириладиган қўй зотларидан олинадиган жун толаларининг хосса қўрсаткичлари тадқиқи //Агро илм-Ўзбекистон қишлоқ ва сув хўжалиги илмий-амалий журнал. – 2023. – Т. 2. – С. 55-58.

9. Parpiyev A. P. et al. Tozalash jarayonida arrali seksiyalardan ajralib chiqqan chiqindi ulushlarini baholash natijalari taxlili //O'zbekiston to'qimachilik jurnali. ISSN. – 2010. – Т. 6262. – №. 1. – С. 2022.

10. Каршиев Б. Э., Исматов С. С. РАВНОМЕРНОСТЬ СУШКИ КОМПОНЕНТОВ ХЛОПКА-СЫРЦА //Экономика и социум. – 2023. – №. 9 (112). – С. 485-489.

11. Парпиев А. П., Каршиев Б. Э. РАВНОМЕРНОСТЬ СУШКИ КОМПОНЕНТОВ ХЛОПКА-СЫРЦА //Universum: технические науки. – 2022. – №. 9-2 (102). – С. 51-54.

12. Каршиев Б. Э. и др. Паҳтани тозалашга тайёрлаш технологиясининг таҳлили //RESULTS OF NATIONAL SCIENTIFIC RESEARCH. – 2022. – Т. 1. – №. 6.

ПОЛНОФАКТОРНОЕ ЭКСПЕРИМЕНТАЛЬНЫЕ ИССЛЕДОВАНИЯ НОЖЕВОГО БАРАБАНА РЫХЛИТЕЛЯ ХЛОПКА

Магистрант. Х.Ф.Турдиниёзова
к.т.н. доцент. Х.Абдугаффаров

Ташкентский институт текстильной и легкой промышленности

Мақолада тойланган толани титии жараёнини самарадорлигини ошириши мақсадида титии машинаси пичоқли барабани янги конструкциясини қўллашда тўлиқ омилли тажрибалар тадқиқ этилган.

Termiz muhandislik-texnologiya instituti

| | |
|---------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|------------|
| Yangi turdag'i sochiqbop to'qimalar olish texnologiyasi va dizayni. E.M.Muxtorov, N.Sh. Shamsiyeva, U.T.Abdullayev Mustaqil izlanuvchi, tayanch doktorant, t.f.d. | 264 |
| Sochiqbop to'qimalar assortimenti va yangi turdag'i sochiqbop to'qima ko'rsatkichlari N.Sh. Shamsiyeva, E.M.Muxtorov, U.T.Abdullayev doktorant, mustaqil izlanuvchi, t.f.d. | 267 |
| Метод смешивания натуральных волокон и оценка их качества проф. А.Э.Гуламов, доц. Г.А.Юсупходжаева, студ. М.А.Одилов Ташкентский институт текстильной и легкой промышленности | 270 |
| Pozitsion masalalarni yechimini topishda algoritmning ahamiyati Dotsent U.T.Rixsiboyev dotsent H.E.Xalilova Toshkent To'qimachilik va Yengil Sanoat Instituti | 274 |
| Республикада пиллачилик тармоғини жадал ривожлантиришда кластерларнинг роли Доцент М.Р. Худойкулов | 277 |
| Toшкент тўқимачилик ва енгил саноат институти | |
| Костюмбоп тўқималарни хаво ўтказувчанилиги тадқиқи докторант. З.Р.Юсупова, талаба. М.С. Рахимбердиев, PhD. Р.М. Янгибоев, Б.Э.Қаршиев Toшкент тўқимачилик ва енгил саноат институти Термиз муҳандислик-технология институти | 280 |
| Полнофакторное экспериментальные исследования ножевого барабана рыхлителя хлопка Магистрант. Х.Ф.Турдиниёзова доц. Х.Абдугаффаров | 283 |
| Toшкент тўқимачилик ва енгил саноат институти | |
| Пахта чигитидан калта момикни ажратиш Жараёни муаммолари докторант Т.Ф. Бобомуротов проф. Ш.Ш.Хакимов Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти | 287 |
| Анализ результатов изучения качества волокна А.А.Абдусаматов, ассистент, | 289 |
| Toшкентский институт текстильной и легкой промышленности | |
| Zamonoviy ikki ignadonli aylana to'quv mashinalarida texnologik imkonayatlarini takomillashtirish doktorant. B.Qoraboyev, dots. K.Yunusov Toshkent to'qimachilik va yengil sanoat instituti | 291 |
| Пахта толасини титиш ва тозалаш ва той титиш машинаси харакат узатиш тизими Prof., Fayziyev R.R, talaba Gadaymurodov O.B | 295 |
| Toshkent to'qimachilik va yengil sanoat instituti | |
| Tolalarni titishning yangi jihozlari va harakat uzatish tizimi parametrlari Prof., Fayziyev R.R, talaba Gadaymurodov O.B | 297 |
| Toshkent to'qimachilik va yengil sanoat instituti | |
| Yengil sanoat korxonalarida innovatsion faoliyat samaradorligini oshirish mexanizmlari Dots. A.A.Abdugaffarov | 299 |
| Toshkent to'qimachilik va yengil sanoat instituti | |
| Техник матоларларнинг сифатини баҳолаш услублари доцент Б.Б.Ахмедов, магистр А.Б.Ботиров Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти | 302 |
| Мавжуд ва такомиллаштирилган парракли аралаштиргичларга эга бўлган 30 аррали стенд кўринишидаги 5лп линтерларни чигитни линтерлаш жараёнига ва маҳсулот сифатига таъсирининг тадқиқотлари проф. К.Ж.Жуманиязов тадқиқотчи М.А.Нўмонов “Пахтасаноат илмий маркази” АЖнинг илмий ишлар ва инновация бўйича директор ўринбосари | 305 |
| Парраклари букилган аралаштиргич билан аррали цилиндр оралиғидаги чигитлар харакатининг тадқиқоти проф К.Ж.Жуманиязов тадқиқотчи М.А.Нўмонов | 309 |
| “Пахтасаноат илмий маркази” АЖнинг илмий ишлар ва инновация бўйича директор ўринбосари | |
| Tut ipak qurtlarini sun'iy ozuqa bilan parvarishlash dots. G.A.Yusupxodjaeva, talaba D.B.Jumanozarova, talaba M.Sh.Xasanova | 312 |
| Toshkent to'qimachilik va yengil sanoat instituti | |
| Формальное представление структуры системы управления информационным потоком при переработке хлопка-сырца Магистрант У.З.Холбеков Научный руководитель проф. И.Х.Сидиков | 315 |

<https://buxdu.uz>